9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# ТАФАККУР ГУЛШАНИ

**Алишер НАВОИЙ**

*Пок юракли кишилар кимгаки назар ташлар экан, бу назар тупроқни кимёга айлантиради.*

* * *

*Яхши бўл, ё ёмон бўл, иккаласи бўламан деганнинг ўзи ёмон. Ёмон билан яхшининг орасида фарқ кўпдир. Икки кеманинг бошини ушлаган ғарқдир...*

*Кимлар билан бўлсанг, шулардексан. Улар ёмон бўлса, сен ҳам ёмон. Улар яхши бўлса, сен ҳам яхшисан. Демак, яхшилар этагини тутган яхшироқдир ва хавф-хатардан йироқдир.*

*Кўпгина қобилиятли кишилар яхшилардан айрилди, ёмонлар суҳбати уларни нобуд қилди... Ёмондан яхшилик кутмоқ—беҳуда хаёлдир.*

* * *

*Хатога қарши чора нимадир?*

*Сўзсиз, ўз хатосига очиқ иқрор бўлишдир.*

*Агар хатосига далил келтираверса,*

*Тўғри бўлса ҳам хатони икки баробар оширади.*

* * *

*Одамнинг яхшиси — ёмон нарсалардан сақланувчи, пок бўлғай ва ҳақ сўзини айтишда ҳеч нарсадан қўрқмағай, хавфга тушмагай. Ўзи пок, кўзи покни инсон деса бўлур.*

* * *

*Мазлумга яхшилик қилсанг, золимдан омонда бўласан. Агар кучлилардан зарар кўрмайин десанг, кучсизларга фойда етказ. Ақли бор одам жанжаллашишдан қочади, дўстлашиш учун келишувчилик эшигини очади.*

***Бировга қилмасанг***
***яхшилик доғи,***
***Айламагил бори ёмонлик***
***доғи.***

* * *

*Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмас, яхши одам ёмонлардан ҳам яхшиликни аямас. Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонликдан яхшироқ деб билсанг, ёмонроқ деб ҳам билма. Яхшилик қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил, яхшилик атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан.*

* * *

*Сенинг қаршингда сўзлагувчи одам гўё кўзгу, унинг гапини қайтариш ойнага уф дейиш билан баробар. Ойна хиралашади ва сен ўз аксингни кўролмай қоласан.*

* * *

*Сабр билан кўп мушкул ишлар осон кўчади. Ишда шошган кўп тойилади. Кўп тойилган кўп йиқилади. Ишда ошиқмоқ—ёш болалар иши. Сабр билан иш қилмоқ тажрибали, ёши катта одамлар ишидир.*

*Байт:*

***Кимки ошиқмоқни хаёл***
***қилмаса***
***Япроқни ипак қилади,***
***чечак баргидан бол олади.***

*Илм ўқиб, унга амал қилмаган—ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди.*

**Адҳам ДАМИНОВ**
**тайёрлаган**





*Музейларда*

# ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МАСКАН

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ АЙНИ КУНДА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ БИЛАН ГАВЖУМ. МУЗЕЙНИНГ КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИНИ АЙЛАНАР ЭКАНМИЗ, БУ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МАСКАНДА 17000 ДАН ОРТИҚ ТАСВИРИЙ, ЎЙМАКОРЛИК САНЪАТ АСАРЛАРИ, ПОРТРЕТЛАР, НОЁБ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР, ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ НАМУНАЛАРИ МАВЖУД ЭКАНЛИГИДАН ВОҚИФ БЎЛДИК.**

— Буюк аллома, ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейи муносабати билан 1968 йили ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи халқимизнинг кўп асрлик адабий меросини жамлаш, уни муҳофаза қилиш, тарғиб ва тадқиқ этиш борасида катта ишларни амалга ошириб келмоқда,—дейди биз билан суҳбатда мазкур музей директори, филология фанлари доктори Саидбек Ҳасанов.— Ўтган давр давомида музейнинг XV-XX асрлар адабиёти тарихини намойиш этувчи бой экспозицияси яратилди. Музейга ташриф буюрадиган зиёратчилар кўп асрлик бой адабий тарихимизнинг ноёб дурдоналари билан танишибгина қолмай, Ўрта Осиё маданияти ва санъатининг бадиий намуналари — китобат, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар. Шуни айтиш жоизки, музейдаги қўлёзмалар билан биргаликда эски босма китоблар фонди ҳам мунтазам бойиб бормоқда. Бу фондда мингдан ортиқ номдаги қўлёзма ва тошбосма асарлар мавжуд бўлиб, улар орасида мумтоз шоирларимизнинг нодир ва қадимий асарлари ҳам муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Шунингдек, музейда 65000 ҳужжатларни ўз ичига олган XIX асрдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олувчи Ўзбекистон ёзувчилари архиви ҳам фахримиз ҳисобланади.

Қўлёзмалар фонди ва ёзувчилар архивида сақланаётган ҳужжатлар музей илмий фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу манбалар устида бир академик, беш нафар фан доктори, беш фан номзоди, саккиз илмий ходим мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Айниқса, қўлёзма ва архив ҳужжатларини бирламчи ишловдан ўтказиш, илмий тавсифларини амалга ошириш ва каталог сифатида нашр қилиш ҳамда уларни экспозицияда намойиш этиш ва илмий муомалага киритиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтга қадар музей фондидаги қўлёзмалар ва ёзувчилар архивидан жой олган кўпгина фондларнинг илмий тавсифи чоп этилди. Бундан ташқари музейда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи олимлар ўнлаб монографиялар, рисолалар ва илмий-танқидий матнларни нашр этиш орқали ўзбек адабиётининг кам ўрганилган соҳаларини ёритишга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Албатта мазкур музейда сақланаётган улуғ мутафаккирларимиз, адибларимизнинг бой адабий меросини халқимиз, айниқса ёшлар кўпроқ ўқиб, ўрганишлари зарур. Зеро халқимиз маънавиятини бойитиб, эзгуликка ундовчи бундай масканлар асрлар оша авлодларга ҳам хизмат қилади, албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

# КУТУБХОНАДА АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

**ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШИ АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА ЯНАДА КЕНГРОҚ УФҚЛАРНИ ОЧИБ БЕРДИ. БЕШ АСРДАН ЗИЁД ВАҚТ ЎТИБДИ ҲАМКИ, ҚОМУСИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН БУЮК ШОИРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ХАЗИНАСИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАГАН ЎЛМАС АСАРЛАРИ ЯНГИДАН-ЯНГИ АВЛОДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида улуғ мутафаккир, ғазалнавис шоир Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллигига бағишланган «Билмаганни сўраб ўрганган олим» мавзуида адабий-бадиий, мусиқий тадбир бўлиб ўтди.

Кечани мазкур кутубхонанинг юқори синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш бўлимининг бошлиғи У. Раҳимбекова кириш сўзи билан очиб, Алишер Навоий асарларида Ватанга муҳаббат, халққа фидойилик, яхшилик, эзгуликнинг ҳамиша улуғланиши, мутафаккир асарларининг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб ўтар экан, кутубхонада Навоий китоблари бурчаги ва кўргазмаси ташкил қилинганлигини, ҳар бир китобхон бундан унумли фойдаланиши, шоир ҳақида кераклича тўлиқ маълумотга эга бўла олиши мумкинлигини ҳам таъкидлади.



Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти катта илмий ходими Раҳматулла Баракаев ҳамда мазкур институт аспиранти Гулчеҳра Султонова буюк мутафаккирнинг бизга қолдирган улкан ва бой мероси умуминсоний маданиятнинг хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилганлиги ва ҳар бир асарида порлоқ ҳаёт билан боғлиқ бўлган олижаноб фикрлар олға сурилганлигини, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» каби достонларида ҳам асосан халқлар ўртасидаги тинчлик, ҳамжиҳатлик ва инсон қадрини улуғлаш, ёрга муҳаббат ва садоқат каби ғоялар илгари сурилганлигини алоҳида таъкидлашди. Шоирнинг комил инсоннинг олий вазифаси ҳақида ёзган.

**Одами эрсанг, демагил одами,**
**Оники йўқ, халқ ғамидин ғами**

мисраларининг бугунги кунда ҳам нечоғлик катта аҳамият касб этишини оддий сўзлар билан йиғилганларга шарҳлаб бердилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг актёрлари Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб саҳналаштирилган спектакллар ва уларни тайёрлаш жараёнида рўй берган қизиқарли воқеаларни сўзлаш баробарида, саҳна асарларидан парчалар ҳам ижро этиб бердилар.

Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази қатнашчилари ва Тошкенг Маданият коллежи талабалари, 64-мактаб ўқувчилари ижросида янграган куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар адабий бадиий кечанинг янада сермазмун ва мароқли ўтишини таъминлади. Шунингдек, тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига ҳам тўлиқ жавоб олишди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**

# РАВОН ЙЎЛЛАР ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси — "Ўзавтойўл"нинг бош мутахассиси Воҳид Аъзамовнинг айтишича, мамлакатимизда ҳар йили ўртача 150-200 километрлик йўл қурилади ёки реконструкция қилинади, 2000-2500 километрлик йўл эса капитал таъмирланади. Автомобиль йўлларини такомиллаштириш орқали йўлларнинг қуйи техник тоифадан юқори техник тоифага ўтказилиши таъминланаётир. Ўтган йили 244 километрлик йўл юқори тоифага ўтказилди.

Юртимизда техник жиҳатдан халқаро талабларга мос, кенг ва равон йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприк ҳамда транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчилар учун қатор қулайликлар туғдирмоқда. Муҳими, уларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлмоқда. Вақти, маблағи тежалмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилган "Тошкент — Фарғона" йўлининг "Қамчиқ" ва "Резак" довонларидан ўтган туннеллар бугунги кунда ўзининг мислсиз самараларини бераётгани бунга ёрқин мисолдир.

Илгари мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан Фарғона водийсига борадиган транспорт оқими Тошкент шаҳрининг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. 2006 йили қурилиши якунланган Катта ҳалқа йўлининг фойдаланишга топширилиши бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга барҳам берди. Бошқача айтганда, "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз", "Тошкент-Душанбе", "Тошкент-Ўш" халқаро автомобиль йўллари бир-бири билан туташтирилди.

Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг қад ростлаши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун жуда кенг қулайликлар яратди.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлининг ишга туширилиши туфайли юк ва йўловчи ташиш 170 километрга қисқарди. Темир йўл транспорти тизими ва унинг корхоналарида кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тармоқ ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардир. Бунинг замирида бунёдкор халқимизнинг, хусусан, йўлсозу кўприксозларнинг бирдамлиги, юксак азму шижоати, кучқудрати ва машаққатли меҳнати мужассам.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг йўл қуриш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни янада кучайтириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тармоқдаги узоқ йиллик ҳаракат дастурини аниқ белгилаб берди. Унда йўл хўжалиги тармоғининг 2010 йилгача ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш концепцияси ўз ифодасини топган.

Шу ўринда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлагининг бир қисми ҳисобланган асосий автомагистрални ривожлантириш учун Ўзбекистонга 75,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганини таъкидлаш зарур. Бу маблағ "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов" автомагистралининг шимолда Ўзбекистон чегарасини Қозоғистон, жанубда Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган узунлиги 1204 километрли йўлини ривожлантиришга йўналтирилади.

Йўлсозларимиз шунингдек, Европа давлатлари, Россия, Украина, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Хитой сингари мамлакатларга олиб борадиган, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган йигирмата халқаро аҳамиятга эга йўлнинг техник даражасини ошириш ишларини давом эттирмоқда.

Маълумотларга кўра, республикамиз автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183 минг километрдан зиёд. Жойлардаги тегишли йўл ташкилотлари томонидан ана шу йўллар атрофини ободонлаштириш, йўллардаги ажратиш ва муҳофазаловчи тўсиқларни бўяш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинаётир. Йўлларнинг четларига минглаб туп мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар экилмоқда. 49 автобекат қурилиб, 483 таси таъмирланди. 128 жойда эса транспорт воситаларининг тўхташ майдони бунёд этилди.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда йўлларнинг сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, бинобарин, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# САРҲИСОБ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

**"МАҲАЛЛА" ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ВА ЁШЛАР ЙИЛИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, унинг эҳтиёжманд тоифаларига, ногиронлар ҳамда ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётгани таъкидланди. Бундай хайрли ишлар кўлами Ижтимоий ҳимоя йилида сезиларли даражада кенгайди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов бошқарган мажлисда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ушбу тузилманинг мавқеи тобора ошмоқда. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган асосий йўналишлардан бири — аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллалар салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамғармасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, жамғарма томонидан 2007 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига аниқ манзилли моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида 30 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Қишлоқ жойларидаги кам таъминланган оилаларга ҳомий ва ҳамкор ташкилотларни жалб қилган ҳолда 40 мингдан ортиқ қорамол берилди. Кўплаб эҳтиёжманд оилалар қўй ва парранда билан таъминланди. Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда бир ярим мингдан ортиқ ёлғиз кекса ва пенсионерларнинг уйи жорий таъмирдан чиқарилди.

Мамлакатимизда ҳар йили умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Бундай тадбирларда "Маҳалла" жамғармаси томонидан тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар билан ҳамкорликда жойларда кўплаб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва хайрия ишлари амалга оширилади. Жумладан, 2007 йили Наврўз байрами олдидан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунлари йигирма беш миллион тупдан зиёдроқ мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Кўплаб кўча, боғ-роғ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Ҳомийлар кўмагида "Саховат", "Мурувват", "Меҳрибонлик" уйларига, ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга 1,3 миллиард сўмдан зиёд хайрия ёрдами кўрсатилди. Турли кўринишдаги бундай хайрли мурувват ёрдамидан баҳраманд бўлган оилалар сони 648,5 мингдан ошди.

Юртимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. «Маҳалла» жамғармаси томонидан бу борада ўтган йили «Соғлом оила», «Биз соғлом спортчилар оиласимиз» мавзуларида кўплаб мусобақа, марафон ва спартакиадалар ўтказилди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган «Футболимиз келажаги» турнири мусобақалари ярим миллион нафардан ортиқ ёшни қамраб олди. Ўтган йили маҳаллаларда қурилиб, фойдаланишга топширилган 276 спорт майдончасида бугун минглаб йигит-қизлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.

Мажлисда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 2008 йил — Ёшлар йилида бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга доир муҳим вазифалари белгилаб олинди.

**(ЎзА)**

*2008 —Ёшлар йили*

# ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШИШДИ

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУРИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ҲАЁТИМИЗГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЭНГ АВВАЛО ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН.**

Шу маънода «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Фуқаролик жамиятини қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли» мавзуида ўтказилган давра суҳбати эътиборлидир.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, янгилаш, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни эътироф этиш, телевидение, радио, босма нашрларда фаолият юритишни ният қилган бўлғуси журналистларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасидан етишиб чиққан малакали мутахассисларнинг тажриба ва кўникмалари билан ўртоқлашишдан иборатдир.

Тадбирда сўз олган «Ўзбегим таронаси» радиоканали ахборот бўлими бошлиғи Интизор Очилова, таниқли радиобошловчи Фарангиз Жабборова, «Давр» информацион дастурининг спорт шарҳловчиси Иброҳим Аҳмедов ва бошқа бир қатор таниқли журналистлар мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, айниқса, жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган ишлар кўлами янада кенг бўлиши ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Ўзаро савол-жавоб, мулоҳаза, фикр алмашиш руҳида ўтказилган тадбир давомида бўлғуси мутахассислар радио ва телебошловчилардан керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатларни олишди.

— Ҳозирги кунда ўзбек миллий журналистикаси жадал ривожланиб бормоқда, — дейди «Давр» информацион дастури спорт шарҳловчиси Иброҳим Аҳмедов. — Шу маънода ёшларимиз бугун интернет тармоқлари орқали ахборот манбаига эга бўлишлари, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин. Бугун бу ерда журналистика факультети талабалари билан учрашиб шу нарсага амин бўлдимки, ёшларимиз ОАВда иш фаолиятини олиб боришга ниҳоятда чанқоқ, фақатгина уларга ўргатишимиз, йўл-йўриқ кўрсатишимиз керак.

Мазкур тадбирнинг якунида энг фаол қатнашган талабалар «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

**«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА «САРДОРЛАР МАКТАБИ» МАХСУС ЎҚУВ КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА «ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.**

«Сардорлар мактаби» Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳомийлигида ташкил этилган. Мазкур мактабнинг асосий фаолияти ёшларда соғлом фикрни шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишда уларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган.

2008 — Ёшлар йилига бағишланган мазкур кўрик-танлов мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини кенгайтириш, нотиқлик санъати кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилди. Унда мактабнинг махсус уч ойлик ўқув курсида таълим олаётган ёшлардан таркиб топган тўртта гуруҳ ўқувчилари ўзаро беллашишди.

— Фарзандим ушбу мактабга бораётганидан буён бўш вақти қолмаяпти, — деди Мавлуда Бобоназарова. — Бу биз ота-оналарни қувонтиради, албатта. Улар вақтини мазмунли ўтказиши, билим олишга интилиши ўз устида тинмай изланишини кўриб хурсанд бўласан киши.

Дарҳақиқат, саҳнада ҳар бир ўқувчининг ўзини тутиши, иқтидорини, жамоатчилик қобилиятини намоён этиши билим олишга интилаётганлигидан далолат. Танлов доирасида «Сардорлар мактаби» тингловчиларининг икки ойидаги натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган тингловчилар ҳамда кўрик-танловда ўз иқтидорини тўла намоён эта олган ёшларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

